Zamon savollari

# КЎЗГУДАГИ АКСИНГИЗ ҚАНДАЙ?

## ЁКИ БИР ТАҚДИМНОМА ТАҚДИРИ ХУСУСИДА

Сирдарё вилоят адлия бошқармасининг "Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш" бўлимига 2001 йилда келиб тушган 148 та ёзма шикоят-ариза таҳлил қилинганда, улардан 28 таси Сирдарё туманидан эканлиги аён бўлди. Ушбу шикоят-аризалардан 12 таси бўйича судларга даъво аризалари киритилди, 13 таси бўйича масъул ходимлар маъмурий жавобгарликка тортилди.

Хўш, Сирдарё тумани шикоят-аризалар бўйича нега «юқори кўрсаткич»га эришаяпти? Бунинг сабаби нима билан изоҳланади?

Келинг, яхшиси шикоят-аризалар мазмуни билан танишайлик. Тумандаги "Малик" ширкат хўжалигининг "Янги ҳаёт" қишлоғида яшовчи Б. Эрдоев ва бошқа фуқаролар ёзган шикоят хатида баён қилинишича, фермер хўжалиги ташкил этишда ёрдам беришни сўраб ширкат хўжалиги раиси Д. Фозиловга ариза билан мурожаат қилинган. Бироқ Д. Фозилов ва хўжаликнинг бошқа раҳбарлари «марҳамати» билан «ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир» бўлган кишиларга, жумладан, раиснинг хўжаликда ишламаган акаси Г. Фозиловга 85 гектар, раис муовини Б. Мирзақуловнинг укаси Г. Мирзақуловга 78 гектар ер фермер хўжалиги учун ажратиб берилади. Бундан ташқари, хўжаликда режага киритилмаган 20 гектарга тарвуз, 6 гектарга пиёз экилган. Ушбу шикоят хати 2001 йил 21 июнда адлия бошқармасига келиб тушади ва мутахассислар томонидан ўрганиб чиқилади. Натижада 2001 йил 25 июнда вилоят прокурори номига Д. Фозиловга нисбатан қонуний чора кўриш юзасидан тақдимнома киритилди. Ушбу тақдимномага асосан вилоят прокуратураси Д. Фозиловнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик мавжуд деб топади ва у **"Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"**ги Кодекснинг 215-моддаси 1-қисми билан жавобгарликка тортилади.

Ёки бошқа бир мисолни олиб кўрайлик. "Малик" ширкат хўжалиги раиси Д. Фозилов "Бой ота" фермер хўжалигининг 20 гектар майдонини вақтинчалик фойдаланиб туриш учун олишини билдиради. Аммо кейинчалик нияти бузилиб, 2001 йил 2 феврал куни хўжаликнинг 11-сонли қарорини чиқариб, ушбу ерни "Мирзаобод" фермер хўжалигига ажратиб беради. Вилоят адлия бошқармаси 2001 йил 13 декабр куни "Малик" ширкат хўжалигининг 2000 йил 2 февралдаги 11-сонли қарорини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорини бекор қилиш ҳамда етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан Сирдарё туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига даъво аризаси киритади. Суд даъво аризасини кўриб чиқди ва уни тўлиқ қаноатлантирди.

Тумандаги "Шоликор" деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмаси раиси А. Боймешовга "Шаҳрихон" фермер хўжалиги раҳбари М. Охунова фермер хўжалигини кенгайтириш учун қўшимча ер ажратишни сўраб ариза билан мурожаат қилади. Лекин бу ариза қонунда белгиланган муддатда ҳал қилинмасдан эътиборсиз қолдирилган. Бунинг устига хўжаликнинг 1998 йил 22 октябрдаги 16-сонли қарорининг 2-бандида шоли экилиши кўрсатилган бўлса-да, Д. Боймешов қарорга зид равишда мазкур фермер хўжалиги ер майдонига 2002 йилда бошқа экин экишга мажбур қилган.

Тумандаги "Истиқлол", "Синдоробод" фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳам фуқаролар М. Мелибоев, К. Раҳмонов, У. Тўқсоновлар томонидан берилган аризаларни ўз вақтида кўриб чиқмай, турли сарсонгарчиликларни келтириб чиқаришган.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан "Шоликор" деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмаси раиси А. Боймешовнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига нисбатан чора кўриш учун 2001 йил 12 сентябрда туман ҳокимлигига тақдимнома киритган эди. Бироқ бу тақдимнома сомонга тушган игнадай изсиз кетди. 2002 йилнинг 12 февралида адлия бошқармаси Сирдарё тумани ҳокими А. Синдоров номига қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан яна тақдимнома киритди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

***— Ушбу тақдимномани тумандаги хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари иштирокида муҳокама қилиб, келгусида бундай қонунбузилишларга йўл қўймаслик бўйича чора тадбирлар белгилашни;***

***— "Янги ҳаёт" ширкат хўжалиги раҳбари М. Аримшоев, "Малик" ширкат хўжалиги раҳбари Д. Фозилов, "Истиқлол" ширкат хўжалиги раҳбари Р. Яшманов, "Синдоробод" ширкат хўжалиги раҳбари С. Синдоров, "Шоликор" ширкат хўжалиги раҳбари А. Боймешовларга нисбатан интизомий жавобгарликка тортиш чораларини кўришингизни;***

***— тақдимнома юзасидан кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида Сирдарё вилоят бошқармасига эслатмасиз 15 кунлик муддат давомида ёзма равишда маълумот беришингизни сўрайман.***

Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Х. Раззоқов 2002 йил 6 март санаси билан имзоланган 02-05-150-сонли жавоб хатида шундай дейилади:

***"Қонунбузилишларга йўл қўйганлиги учун "Янги ҳаёт" ширкат хўжалиги раҳбари М. Аримшоев, "Малик" ширкат хўжалиги раҳбари Д. Фозилов, "Истиқлол" ширкат хўжалиги раҳбари Р. Яшманов, "Синдоробод" ширкат хўжалиги раҳбари С. Синдоров ва "Шоликор" ширкат хўжалиги раҳбари А. Боймешовлар расман огоҳлантирилди ҳамда барча хўжалик раҳбарларига қонунбузилишларга йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўриш вазифаси юклатилди".***

Қойилмисиз! Агар силлиқ жавоб танлови ўтказилганда ғолибликка даъвогарлар ўртасида мазкур жавобдан ўтадигани топилмасди.

Ушбу жавобдан қаноатланмаган адлия бошқармаси 2002 йил 24 март куни Сирдарё туман ҳокими А.Синдоровга хат орқали мурожаат қилиб, адлия бошқармасининг тақдимномасига туман ҳокимлиги ходимлари ўта юзаки жавоб бериш билан чегараланишганини билдириб, қонунда "расман огоҳлантириш" интизомий жазо чораси йўқлигини эслатган, тақдимномани қонун доирасида кўриб чиқиб, қабул қилинган қарор ва йиғилиш баённомасини юборишни сўраганди.

Туман ҳокими А. Синдоров томонидан 2002 йил 30 апрелда имзоланган 01-05-316-сонли хатга, яхшиси, ўзингиз баҳо бера қолинг:

***— Сизнинг 2002 йил 12 февралдаги 194-сонли "Қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида"ги тақдимномангиз туман ҳокимлиги томонидан чуқур таҳлил қилиниб, қонунбузарликка йўл қўйган раҳбар ва мутахассисларга нисбатан чора кўрилди. Жумладан, "Малик" ширкатлар уюшмаси раиси Д. Фозилов фермер хўжаликларига ер ажратиш, уларни ердан фойдаланишни назорат қилишда таниш-билишчилик каби ноқонуний ҳолатларга йўл қўйилгани учун келгусида бундай ҳолатларни такрорламаслик ҳақида огоҳлантирилди ва ҳайфсан берилди. "Шоликор" ширкат хўжалиги раҳбари А. Боймешов томонидан хўжаликда фаолият кўрсатаётган фермерларга қўшимча ер бериш тўғрисидаги мурожаатларига ўз вақтида жавоб бермаслик, фермер хўжалигига ер ажратишда адолатсизликка йўл қўйганлиги ҳамда ишдаги бошқа камчиликлари учун ўз вазифасидан озод қилинди.***

***Худди шунингдек, қонунбузилишларга йўл қўйганлиги учун "Янги ҳаёт", "Истиқлол", "Синдоробод" ширкат хўжаликлари раҳбарлари ҳам қаттиқ огоҳлантирилди".***

Бунисига нима дейсиз? "Расман огоҳлантириш" бўлмаса, "қаттиқ огоҳлантириш"да! Шунга ҳам ота гўри қозихонами?!

Расмий ёзишмалар бамисли идора, ташкилот, корхона раҳбарларининг саводхонлик, маданиятлилик даражасининг кўзгудаги акси. Тақдимнома ҳам бекорчиликдан киритилмайди. Шу боисдан унга эҳтиёткорлик ва диққат-эътибор билан ёндашиш ҳам қарз, ҳам фарздир.

Мақола сўнгида билдирадиган хулосамиз шундан иборат.

**Тоғаймурод ОРТИҚОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**



Ёз манзаралари

Adliya tizimi

## ҚАШҚАДАРЁ

Шартнома шартлари бажарилмаслиги оқибатида қишлоқ хўжалик корхоналари, деҳқон, фермер хўжаликлари, оила пудратчилари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга келтирилган моддий ва маънавий зарарларни ундиришни кўзлаб, хўжалик суди ва фуқаролик ишлари бўйича судларига 61540001 сўмлик 50 та даъво аризаси киритилди. Шундан фермер хўжаликларининг манфаатини кўзлаб, 200 000 сўмлик 3 та, ширкат хўжаликлари манфаатини кўзлаб, 25708032 сўмлик 1 та даъво аризаси киритилди. Ижарачилар манфаатини кўзлаб эса 50000 сўмлик 1 та, пудратчилар манфаатини кўзлаб, 2001622 сўмлик 22 та даъво аризаси киритилди. Шундан бошқа хўжалик юритувчи субъектлар манфаатини кўзлаб, 30542165 сўмлик 21 та даъво аризаси хўжалик ва фуқаролик ишлари бўйича судларга киритилган.

Судга киритилган жами 50 та даъво аризасидан шу кунга қадар 45 таси суд мажлисида кўрилиб, тўлиқ қаноатлантирилган ва 5 та даъво аризаси суд мажлисида кўрилиши арафасида турибди.

Qonun dastagi

# МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Адлия бошқармаси мазкур хатоликларни қайд этиб, шу йилнинг 4 мартида Оқдарё туман ҳокими номига тақдимнома киритади. Аммо бу тақдимнома сувга ташланган тош каби изсиз кетгач, 27 май куни "Эслатма" хати жўнатилади. Ниҳоят, ҳокимиятдагилар кўзларини уйқудан очишади шекилли, 6 июн куни туман ҳокимининг ўринбосари А. Бегимқулов имзоси билан вилоят адлия бошқармасига жавоб хати келади. Жавоб хатини ўқисангиз, бир чолғучининг "мен нима дейман, қўбизим нима дейди", дегани ёдингизга тушади. Келинг, яхшиси, ортиқча изоҳ бермай, жавоб хатини айнан келтирамиз:

**"Фуқаро Б. Бекназаров фермер хўжалиги ташкил этиш юзасидан бошқа туман ҳокимлигига мурожаат қилмаган ариза билан. Туман ҳокимлигига фермер хўжалиги ташкил этиш юзасидан ариза билан қайта мурожаат қилмагани сабабли ер ажратиш комиссиясининг хулосаси берилмаганини билдирамиз".**

Тўғри, аччиқ гап одамга айилдек оғир ботади. Биз бировнинг нафсониятига тегиш, ориятини қўзғаш ниятидан йироқмиз. Билимдонлик ҳокимлик биносида ўтирганларга сув билан ҳаводек зарур эканини эслатмоқчимиз, холос. Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг, ғализ жумлалар билан битилган жавоб хатини адлия бошқармасига имзо чекиб жўнатган раҳбардан нима кутиш мумкин? Ўз хизмат вазифасига лоқайд қараган раҳбар бировнинг оғирини енгил қиладими? Афтидан, Б. Бекназаров ҳам шундай фикрга борган кўринади, шекилли, ҳокимиятдагилардан ҳафсаласи пир бўлиб, юқори ташкилотларга мурожаат қилишга мажбур бўлган. Шунча ёзишмалардан сўнг ҳам нега унинг иши ҳамон «туя гўшти» еяпти?

Мана, қўлимизда яна бир тақдимнома. У Оқдарё туман ҳокимлигига шу йилнинг 28 январида жўнатилган. Ҳокимиятдагилар "Умид-Орзу" фермер хўжалигини ташкил этиш ташвишида юрган Ф. Примовни зарур ҳужжатларни комиссияга тўла тақдим этмаганликда айблашади. Ф. Примов эса ҳокимият девонхонасига сўралган барча ҳужжатларни тўлиқ топширганини таъкидлайди. Афсусланарли жиҳати шундаки, тақдимнома юзасидан, муддатидан анча кеч, бунинг устига қайта-қайта сўровдан сўнг адлия бошқармасига келган жавоб хатида ҳам битта нарса маҳкам ушлаб олинган: Ф. Примов талаб қилинган ҳужжатларни тақдим этмаган эмиш. Шу сабабли унга ер ажратиш комиссиясининг хулосаси берилмаган.

Хуллас, баҳона кўп. Шу ўринда гапни қисқа қилайлик-да, туман ҳокимлигидан бошқа бир тақдимнома юзасидан, яъни "Турон" кўп тармоқли акциядорлик корхонаси тўғрисида адлия бошқармасига келган жавоб хатига эътибор қаратайлик:

**"...Сиз томондан туман ҳокимлигига киритилган тақдимномада туман ҳокимини 1998 йил 11 сентябрдаги 211-к сонли қарорини бекор қилиш сўралган.**

**Ушбу тақдимноманинг ижросини таъминлаш мақсадида (30680 сўмлик асосий воситани ёйилмаси (расшифровкаси)ни) "Турон" кўп тармоқли корхонаси ҳисобчиси Шокир Элов ва "Оқдарё деҳқон бозори" ҳисобчиси Кўчқор Турсуновдан сўралганда, шу кунга қадар тақдим этмасдан келмоқда.**

**Шу сабабли тақдимномангизни ижросини таъминлашнинг имкони бўлмаганини билдирамиз.**

**Туман ҳокимининг ўринбосари. Имзо А. Бегимқулов".**

Мазкур тақдимнома жавоб хатидан уч ой бурун киритилган. Оз эмас, тўқсон кун ичида ҳоким ўринбосари икки корхона ҳисобчисидан асосий восита ёйилмасини сўраб ололмаганига ким ишонади?! Йўқ, гап бошқа томонда — масъулиятсизликда, қаерга ёзсанг ҳам, кимга борсанг ҳам, барибир, ишинг биз билан битади, деган нотайин фикрни маҳкам тутиб олганликда эмасми?

### III. ҚОНУН БАРИБИР ЎЗ СЎЗИНИ АЙТАДИ

Жиноий ишлари бўйича Оқдарё туман суди Т. Қодиров раислигида адлия бошқармасидан келган маъмурий ишларни кўриб чиқди. Ҳокимликнинг қишлоқ хўжалик масалалари бўйича бош мутахассиси Асад Бўтаев, туман хусусийлаштириш бўлими мутахассиси Тиловқобил Ширинов, ҳокимнинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Алибек Бегимқуловлар тақдимнома ижросини таъминланмаганини учун маъмурий тартибда жаримага тортилди. Қонун ўз сўзини айтди. Агар мутасаддилар маъмурий жавобгарликдан тўғри сабоқ чиқариб олишмаса, қонун дастакларидан яна бири ишга тушиши аниқ. Фақат навбатдаги чора оғирроқ кечади.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтмасак, адолатдан бўлмайди. Бугунги кунда туман ҳокими вазифасини бажарувчи Ш. Неъматовнинг тақдимномалар ижросига муносабати ҳам кўп нарса боғлиқ, албатта. Ҳозирча бу қоронғу бўлиб турибди. Қани, бироз кутайликчи, натижаси нима билан тугаркин?!

Бу ҳол мавзуга яна қайтишни тақозо этади.

**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

## СИРДАРЁ

Adliya tizimi

**Вилоятда бугунги кунда 68 та масжид, 7 та черков қонуний фаолият кўрсатаяпти. Барча диний қавм пешволари давлатимиз раҳбарияти юритаётган ички ва ташқи сиёсатни тўлиқ қўллаб-қувватлаб, қавмдошларини диний эътиқодидан қатъи назар барча фуқаролар билан тинч-тотув яшаб, биродарона муносабатда бўлишга даъват этмоқдалар. 2002 йилда вилоятдаги мўмин-мусулмонлардан 93 киши Ислом динидаги бешта фарздан бири — муқаддас ҳаж сафарини ўтказиш бахтига муяссар бўлди.**

**Бугунги кунда вилоятнинг 12 та туман ва шаҳрида ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, жамоат ва ёшлар ташкилотлари, диний идоралар вакилларидан иборат ишчи гуруҳлари доимий фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан шу йилнинг ўтган олти ой мобайнида аҳоли истиқомат қиладиган жойлар, меҳнат жамоалари, ўқув юртларида диний ақидапарастлик ва терроризмнинг асл башараси, унинг манфур, қабиҳ ва ёвуз кирдикорларини очиб ташлашга бағишланган 66 та семинар, суҳбат ва учрашувлар ўтказилди. Айниқса, Боёвут туманидаги Абу Али ибн Сино номидаги лицей-интернат, Боёвут саноат коллежи, Янгиер қурилиш-иқтисод коллежи, Сирдарё педагогика коллежи, Сайхунобод туманидаги "Янгиобод" деҳқон хўжаликлари бирлашмаси, "Сайхун-Пая" қўшма корхонасида ўтказилган тадбирлар кўпчиликда катта таассурот қолдирди.**

Tahlil ko`zgusi

# ТАДБИРКОР ВА ТАРАҚҚИЁТ

***(Давоми. Боши биринчи бетда.)***

Аммо Андижон вилоятидаги айрим туман ҳокимликлари томонидан бу фаолиятни амалга ошириш учун амалдаги қонун ҳужжатларига зид равишда турли кооперативларни ташкил этиш ва ноқонуний равишда рўйхатдан ўтказиш ҳамда уларни мавжуд деҳқон-фермер хўжаликларини кооперативларга бирлаштириш ҳолатлари мавжудлиги аниқланди. Хусусан, Андижон тумани ҳокимининг 2001йил 15 октябрдаги 377-қ-сонли қарори билан "Экин-тикин" кооперативи давлат рўйхатидан ўтказилган ва унга таъсисчи сифатида 19 та фермер хўжаликлари киритилган, Низом жамғармаси 1525 минг сўм қилиб белгиланган. Бироқ ушбу кооперативнинг таъсис ҳужжатлари амалдаги қонун ҳужжатларига мос келмайди.

Бундан ташқари, вилоятнинг айрим туман (шаҳар) ер ресурслари хизмати томонидан **"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"**ги Қонун талабларини қўпол равишда бузиб, тадбиркорлик субъектларидан келиб тушган аризалар сансоларликка солиниб муддатида кўриб чиқилмаган, кўриб чиқиш натижаси бўйича тегишли тартибда жавоб бермаслик ҳамда асосслантирилмаган жавоблар бериш ҳолатлари мавжудлиги аниқланди. Мисол учун Қўрғонтепа тумани ҳокими номига 2001 йил 2 июл куни "Илҳомбек" хусусий фирмаси бошлиғи И.Ҳайитқулов ариза билан мурожаат қилиб, туман аҳолисини гўшт ва тухум маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида ўрдакхона қуриш учун 0,9 гектар ер майдони ажратиб беришни сўраган. Бу ариза кўриб чиқиш учун туман ер ресурслари хизмати бошлиғи С.Тошхўжаев ва бош меъмор Ш.Тўрабоевга юборилган. Қизиғи шундаки, ариза келиб тушганига 9 ой 28 кун бўлган бўлса-да, мансабдор шахслар томонидан сансоларликка солиниб, мазмунан кўриб чиқилмаган. Унинг натижалари бўйича муаллифга жавоб берилмаган.

Андижон туман ҳокимлигига 2002 йил 27 февралда "Қумринисо" хусусий боғдорчилик хўжалиги раҳбари А. Маткаримов Охунбобоев номидаги ширкат хўжалигидан 0,9 гектар мевали боғ ва дала шийпонини сотиб олганлиги муносабати билан тегишли ҳужжатларни тақдим этиб, бу ер майдонларидан доимий фойдаланиш учун бириктириб беришни сўраган. Туман ҳокими томонидан бу ариза кўриб чиқиш учун ҳоким ўринбосари А.Боласозов ҳамда туман ер ресурслари хизмати бошлиғи Ш.Усмоновларга юклатилган бўлсада, тадбиркорнинг мурожаати сансоларликка солинган. Буни қарангки, орадан 60 кун ўтган бўлса-да, мазмунан ҳал этилмаган.

Бундан ташқари вилоятда тадбиркорлик субъектларига муҳр ва штамп ясатишга рухсатнома туман ИИБлари томонидан асоссиз берилмаётганлиги, ортиқча ҳужжатларни ва қайта ариза талаб қилиш ҳолатлари аниқланди. Масалан, Хўжаобод туман ИИБга туман рўйхатдан ўтказиш бўлими 2002 йил 6 мартда 126-к-сонли қарор билан рўйхатга олинган "DR-Mirzo" хусусий фирмаси ҳақида 09.04.2002 йилда 01/5-38-сонли хат билан маълумот тақдим қилган. Аммо 2002 йил 24 мартгача рухсатнома асоссиз берилмай келинган.

Бу каби камчиликлар Андижон вилоятининг бошқа туманларида ҳам мавжуд. Мансабдор ходимларнинг ўз хизмат вазифаларини қонун доирасида бажармаётган ва **"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"**ги Қонун талаблари бузилаётганлиги сабабли тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий зиён етмоқда.

Бугун мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятига иқтисодиётимиз таянчи, фаровон ҳаёт манбаи деб қаралаётган экан, унинг тараққиётига ҳисса қўшиш ҳар бир масъул шахс учун ҳам қарз, ҳам фарз.

**С. СУЛТОНОВ,**
**Адлия вазирлиги масъул ходими**

Nadomat

# ОМОНАТГА ХИЁНАТ

**Тадбиркорнинг нияти холис, яхши маънода бироз таваккалчи, танти ва ҳалол, ишбилармон ва узоқни кўрадиган бўлса, ошиғи олчи бўлиб, омад унинг изидан юради. Имкониятлар мўл-кўл бугунги ҳаётимизда бунга мисоллар жуда кўп.**

**Бироқ тадбиркорлик, кўчасида босилган қадам қингир-қийшиқ бўлса, югурган бузоқ сомонхондан нарига ўтмагани каби инсон ҳам ўзини, ҳам бошқаларни абгор қилишдан нарига ўтмаслиги тайин. Шерзод Аҳмедов ҳам ёш бўлишига қарамай 1999 йилнинг 10 февралидан Шаҳрисабз шаҳар "Азизжон" савдо фирмасига бошлиқ бўлиб иш бошлаганда, кўпчилик унга хайрихоҳлик билдирганди. Аммо орадан бир йил ўтар-ўтмас, Китоб туман судининг ҳукмига кўра, Жиноят Кодексининг 167-моддаси 3-қисми "Б" банди билан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, мамлакатимиз Президентининг 2000 йил 29 августдаги «Амнистия тўғрисида»ги Фармонига асосан жазодан озод этилганда, хайрихоҳлар ундан юз ўгирган, яқинлари «ҳали ёш, ўзини тузатиб олар», деб умид қилган бўлса-да, Шерзоднинг кўзи очилмади. Орада уни ёзиб-ёздирадиган яна нима ўтди дерсиз? Шерзод фирмаси Низоми бўйича савдо-сотиғини қилиб юрса бўларди. Катта ишдан катта нарса қолади, деб ўйлади, шекилли, у "Уйжойжамғармабанк"нинг Шаҳрисабз бўлимидан бира тўла 6 миллион сўм кредит сўради.**

**Маълумки, катта миқдорда кредит олиш учун гаровга катта миқдорда мол-мулк қўйилиши керак. Шерзод ҳеч ўйлаб-ўтирмай бунинг йўлини топди. У Шаҳрисабз туманидаги Ўроқ Иброҳимов номидаги ширкат хўжалигига қарашли Эски Чоршанба қишлоғидаги молхона ҳудудида жойлашган 8506886 сўмлик цех биноси, сут ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлаб чиқаришга мўлжалланган "Танхас" фирмаси бошлиғи Ҳошим Эрматовга тегишли бўлган цехдаги асбоб-ускуналар, катта миқдордаги бировнинг мулкини "Азизжон" фирмаси ҳисобига ўтказиш ҳақидаги сохта ёзув ва маълумотларга ўз фирмасини муҳрини босиб, банкка кредит олиш учун тақдим этади. Икки марта уч миллион сўмдан, жами 6 млн сўм кредит олишга эришиб, кредит фоизлари, муддати тугагандан кейин эса қарз маблағини вақтида қайтаришни хаёлига келтирмай, қочиб юрди. 2002 йилнинг 24 мартига қадар "Уйжойжамғармабанк"дан "Азизжон" фирмасининг қарзи 7910037 сўмни ташкил этганди. Банк "Азизжон" савдо фирмасидан банк ҳисобига 7910037 сўм ундириш ҳақида Қашқадарё вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этганда, суд 2000 йил 24 февралдаги 2000/3095-сонли ҳал қилув қарорига асосан "Азизжон" фирмасининг мол-мулки ҳисобидан даъвогар — "Уйжойжамғармабанк" Шаҳрисабз бўлими фойдасига 6 миллион сўм кредит қарз, 1753467 сўм кредит фоизи, 155070 сўм давлат божи, 1500 сўм почта харажатлари — жами 7910037 сўм ундирилгани кўрсатилган бўлса-да, суднинг ҳал қилув қарорини қасддан бажармасдан яна бир жиноятга йўл қўйган. Шаҳрисабз туман прокуратурасининг қўшимча тергови давомида Шерзод Аҳмедов зиммасидаги қарзлар тўлиқ ундирилди. Бироқ бу тўлов ўз вақтида бўлмади. Мажбурий тўловнинг эса тегишли жавобгарлиги бор. Бу томондан келиб чиққан айблов хулосаси мазмунан ҳал этишлик учун жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз туман судига юборилди.**

**Акмал МУХАММАДИЕВ,**
**Шаҳрисабз тумани**

Talab, taklif, mulohaza

# ТАКОМИЛ ЗАРУРАТИ

Бугун мамлакатимизни четдан туриб кузатган киши уни улкан қурилишлар майдонига қиёслаши шубҳасиз. Зеро, ҳозирги пайтда мамлакатимизда буюк келажак пойдевори барпо этилмоқда. Барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар озод ва обод Ватан фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган.

Хусусан, иқтисоднинг сиёсатдан устун қўйилиши натижасида юртимизда тадбиркорликка кенг йўл очилди. Тадбиркорлик жамият тараққиёти таянчи ва халқнинг турмуш шароитини фаровонлаштирувчи энг муҳим омил сифатида эътироф этилди. Шу билан бир қаторда тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари ҳам яратилди. Бош қомусимиз бўлган Конституциямизнинг 36-моддасида **ҳар бир шахснинг мулкдор бўлиши**, 54-моддасида эса **мулкдор мулкига ўз хоҳишига кўра эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни эркин тасарруф этиши** белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, тадбиркорлик ва хусусий мулкчиликка оид кўплаб қонунлар ҳам ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"**ги, **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"**ги Қонунлар ва **"Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришини такомиллаштириш тўғрисида"**ги Президент Фармони шулар жумласидандир. Булар қўлга киритган ютуқларимиздан далолат, албатта. Уларни таъкидлаган ҳолда амалиётда учраётган айрим баҳсталаб ҳолат ва муаммоларга ҳам тўхталиб ўтиш лозим.

Адлия вазирлиги ва Адлия бошқармаларига тадбиркорлар, фермер хўжаликлари раҳбарлари мурожаат этишиб, ўзларининг ҳақ-ҳуқуқини баъзи мансабдор шахслар камситаётганини, натижада у ўз вақтида кредит ёки ер ололмаётганлигини маълум қилишмоқда. Ўз навбатида Адлия идоралари ходимлари ҳам тегишли равишда суриштирув ёки текшириш ўтказиб, тўпланган ҳужжатларни судларга тақдим этмоқдалар. Суд эса кўп ҳолларда ўз ваколатини Адлия идорасига берган шахс иштирокида иш юритмоқда. Бундан эса Адлия идоралари ходимлари бехабар қолишаяпти. Шу ўринда табиий саволлар туғилади: судларнинг адлия идоралари вакилининг иштирокисиз ёки адлия идорасига хабар бермаган ҳолда чиқарган қарори тўғрими? Бошқача айтганда, агар адлия идораси суд қарори ҳамда аризачи билан келишмаса, у ҳолда қаерга ва қай тартибда мурожаат этади? Шунингдек, аризани ўрганиш даврида адлия идораси ариза юзасидан хулоса олиши, экспертиза тайин этиши, тегишли ҳужжатлар билан танишиши ёки нусха, тушунтириш ва изоҳномалар олиш ваколатига эгами? Кўриниб турибдики, мазкур саволлар замирида кўплаб муаммолар ўз аксини топган. Бу каби саволларни бевосита судлар фаолиятида ҳам учратиш мумкин. Мисол учун айтсак, суд мажлисида Адлия идорасининг вакили ким бўлиб ҳисобланишини кўпчилик билмайди. Шунингдек, бир тадбиркорлик субъекти иккинчи бир тадбиркорлик субъектига даъво ариза билан мурожаат этганида, адлия идорасининг қандай ҳаракат қилиши ҳам унчалик аниқ эмас. Суддаги ҳимоянинг қай тартибда амалга оширилиши ҳам кўпчиликни қизиқтириши тайин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги эълон қилинган 57-сонли қарори 7-бандига асосан Адлия Вазирлиги ва унинг тизимлари тадбиркорлар, хусусий мулк эгалари ҳуқуқларини, уларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судларга ариза билан мурожаат этиш ваколатига эга.

Шу билан бирга мазкур ҳукумат қарорида Адлия идоралари ходимларига ариза юзасидан ташкил этиши лозим бўлган ваколатлар ичида назоратни таъминлаш, таклифлар киритиш, чора-тадбирлар кўриш, тақдимномалар киритиш, ёзма огоҳлантириш орқали мурожаат этишлар кўрсатилган, лекин чора-тадбир кўриш, тақдимномалар киритиш ва бошқа ҳаркатларни амалга ошириш учун Адлия идоралари қайси қонун асосида сўров, суриштирув ёки текшириш олиб бориши аниқ белгилаб қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Албатта, юқорида санаб ўтилганга ўхшаш камчилик ва муаммоларни бартарф этиш, ҳеч шубҳасиз, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини янада ишончли ҳимоялашга хизмат қилади. Мазкур мулоҳазалар Адлия идораларининг ваколатларини янада кенгайтириш ва унинг фаолиятини аниқ белгиланган қонун талабларига мувофиқлаштириш зарурати мавжудлигини кўрсатади. Ўйлаймизки, мутасаддилар бу масалага эътибор қаратиш баробарида камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқадилар. Улар шубҳасиз тадбиркорлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

**Ё. АШУРОВ,**
**Андижон вилояти**

Mulohaza uchun mavzu

# МАЪНАВИЙ КАСАЛЛИК – ЖИНОЯТЧИЛИК ИБТИДОСИ

Эртанги куни учун қайғурадиган ҳар бир жамиятда маънавият, маърифат каби тушунчалар юксак қадрланган. Зотан, маърифат инсоннинг камолот сари интилишида энг биринчи воситадир.

Қайси бир жамиятда маънавий касаллик кўпайса, кишилар руҳий инқирозга учраб, жиноятга қўл уриш оддий ҳолга айланиб қолади. Шунинг учун маънавий касаллик нима эканини яхшилаб тушуниб олиш даркор. Бундан олдин у маънавий иллат шаклида намоён бўлиб, инсон қалби шу иллатга чалинганидан кейин унинг руҳий-психологик ҳолатида аста-секин ўзгариш рўй беришини эътибордан қочирмаслик лозим. Натижада инсоний табиат ва хулқ ҳам ёт иллатлар таъсирида бузила бошлайди. Шундай экан, жиноятчиликка қарши кураш ёки унинг олдини олиш учун энг аввало нима қилиш зарурлигини аниқлаб олган маъқул. Чунки фуқаролар тинчлигини сақлаш ва осуда ҳаёт кечиришини таъминлаш осон иш эмас. Лекин кўпинча бир жиҳатни эътибордан соқит қилиш мавжуд. Мисол учун, назорат ходимлари жиноятчининг изидан тушиб, унинг қилмишини фош этади ва айбини бўйнига олгандан сўнг жиноятчига ўз-ўзидан жазо белгиланади. Ана шу тарзда курашиш шўро тузумига хос иллат. Муддаомиз шуки, жиноят содир этилгандан кейин у хусусда бош қотиргандан кўра унинг шунгача қай тарзда пайдо бўлиши ва нима сабабдан жиноятчи унга қўл уришини ҳар томонлама таҳлил қилиш фойдадан холи эмас. Ҳеч ким онадан жиноятчи бўлиб туғилмаслиги аниқ. Унда баъзи бир ёшлар қандай қилиб жиноят оламига кириб қолмоқда? Ана шу тахлит фикр юритадиган бўлсак, гиёҳвандлик, ўғрилик ва хиёнатга ўхшаш жиноятларни қилган гуруҳларнинг кирдикори очилади. Бу турдаги жиноятлар жиноятнинг энг сўнгги даражаси бўлиб, бунгача жиноятчи бир қанча босқичлардан ўтгандан кейингина унга қўл уради. Бунга қадар ўша ўсмирнинг дунёқараш ва тасаввури носоғлом оила ёки муҳит таъсирида лойқаланиб, унда худбинлик, ёлғончилик, ғийбат, чақимчилик ва шунга ўхшаш бир қанча маънавий касалликни ҳосил қиладиган иллатлар кўриниш беради. У вояга етган сайин ана шу иллатлар ҳам йириклашиб, ундаги соғлом ақл ва фикрга путур етади. Шундан кейин у оқни қорадан ажрата олмайдиган, ўзига нима фойда ёки зиён эканини фарқламайдиган бўлиб қолади. Аксарият ҳолларда маънавий жиҳатдан тубан кишилар бир-бирини қидириб топади ва бирон-бир жиноятни амалга ошириш мақсадида ўзаро тил бириктиради. Энг аввал, бу соҳада унчалик кўзга ташламайдиган кичикроқ жиноятга қўл урадилар ва бора-бора оғир жиноятларни қилиш улар учун оддий ҳол эканини ўзлари ҳам деярли сезмайди.

"Жиноятга зинама-зина чиқиб борадилар, фалокат эса тубсиз жар каби тўсатдан оёқ остидан чиқади", деган экан бир файласуф ёзувчи. Чунки инсон қотиллик ёки бошқа ёвуз жиноятларни амалга оширишда бирданига журъат топиши қийин. Демоқчимизки, жиноятга қўл урган кишининг маънавий-руҳий оламини кузатганда унда эзгулик ва инсонийлик хислатлари жуда ҳам тубан даражага тушиб қолганига гувоҳ бўласиз. Буларни ўз-ўзидан пайдо бўлган деб ўйлайсизми ёки бошқа сабаблар ҳам мавжудмикан? Инсоннинг маънавий қашшоқ бўлиб ўсиб-улғайиши сабабини биринчи навбатда ота-она, оилавий муҳитдан излаш керак. Чунки бир пайтлар ўзлари унинг айб ва қусурларини билиб-билмасликка олгани ва ўз вақтида бундан тиймагани туфайли маънавий касаллик катта дардга айланиб, боланинг қалбига бирин-кетин иллатларни олиб кирган. Жисмоний дардни табиб буюрган турли дори-дармонлар воситасида енгиб олиш осон. Аммо маънавий дард инсон қалбини эгаллай бошлаганидан кейин уни енгиш жуда мушкуллашади. Маънавий жиноят қилиш ва бировнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳурмат қилмаслик охир-оқибат инсонда жоҳиллик иллатларини юзага келтириб, тажовузкорлик ва бошқалар мулкига кўз олайтириш руҳини уйғотади.

Машҳур алломалардан бири имом Ғаззолий бу дунё бир беморхонага ўхшайди. Унда қалби касал кишилар танаси касал кишиларга қараганда кўпроқни ташкил қилади. Одамлар танаси оғриб қолса, дарҳол уни тузатиш пайига тушадилар-у, лекин қалб касалини тузатишга унчалик аҳамият бермайдилар, деган экан.

Инсоният тарихини кузатсак ҳам маънавий касаллик бутун бир халқ ва миллатларни инқирозга учратганига гувоҳ бўламиз. Бир ривоят мисолида маънавий касаллик ва у туфайли қилинган жиноят нима эканини тушуниш янада енгил кўчади. Бир бой киши ўзига хизматкор сотиб олишни хоҳлаб бозорга борибди. Эгаси бойга хизматкорни сота туриб унинг биргина чақимчилик айби бор эканини маълум қилибди. Бой киши унинг бу айбини катта айб ўрнида кўрмабди. Хизматкор уйда у-бу юмушларни бажариб юриб, бир куни бойнинг хотини олдига бориб: "сени эринг яхши кўрмайди, сенинг ўрнингга ўйнаш топган. Сенга меҳрибон бўлишини хоҳлайсанми? дебди". Бу гап хотинга маъқул тушибди. Хизматкор унга эри ухлаган пайтда устарани олиб, соқолининг учидан озгина кесиб қўйишни ўргатибди. Шундан кейин у бойнинг ҳам олдига бориб, хотининг сенга хиёнат қилди, ўзига ўйнаш топди. Энди у сени ўлдиради. Сен буни аниқлашни хоҳлайсанми, дебди. Эрга ҳам бу гап маъқул тушибди. Хизматкор унга ўзини ухлаганга солиб ётишни ўргатибди. Кечаси хотини устара кўтариб келганини пайқаган эр гумонсираб уни ўлдирибди. Хотиннинг яқинлари бойни ўлдирибди. Шу тариқа бир чақимчининг дастидан эр-хотиннинг қариндош-уруғлари ўртасида катта уруш-жанжал чиққан экан. Шу ривоятдан ҳам биргина чақимчилик деган иллат қанчалик катта фожеа келтириб чиқарганини билиб олиш қийин эмас. Маънавий иллат ва касаллик инсон қалбини қамраб олгандан сўнг у бутун тана ва руҳиятни издан чиқаради. Шундан кейин инсон ўзининг инсоний қиёфасидан айрилиб, тубанлик ва жаҳолат botқоғига ботиб бораётганини сезмай қолади. Ҳозирги кунда фарзанд ота-онасини пичоқлабди, арзимас баҳона билан низолашган ака-укалар бир-бирини ур калтак, сур калтак қилибди, деган гап-сўзлар аҳён-аҳёнда қулоққа чалиниб қолади. Албатта, фарзанд бир кунда жиноятчига айланиб қолмайди. Шунинг учун бунинг сабабини уни дунёга келтирган ота-она, оилавий тарбия қандай йўлга қўйилганидан излаш жоиз.

Инсон доимо эзгулик тарафдори бўлиб, тинч-тотув ва хотиржам ҳаёт кечиришни истайди. Бу эса кўпроқ ўзимизга, фарзандларимизга бераётган тарбия, оилага муносабатимиз, орзу-интилишимизга боғлиқ эканини ҳеч қачон ёдан чиқармаслигимиз керак.

**Баҳодир СУЮНОВ,**
**тадқиқотчи,**
**Бобомурод ЭРАЛИЕВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

Mitti maslahat

# ҲАЁТИНГИЗ ХАВФСИЗЛИГИ КАФОЛАТЛАНГАНМИ?

Баъзан ҳаётда бирон-бир корхона, ташкилот, муассасаларда тасодифан юз берган бахтсиз ҳодиса туфайли озор чекаётган, ногирон бўлиб бир умр тўшакка михланиб қолган, ҳатто бевақт дунёдан ўтган кишилар учраб туради. Одатда биз бу воқеаларга ҳа, энди бахтсиз тасодиф-да, дея индамай қўямиз, гўё бу нохушликнинг бизга мутлақо алоқаси йўқдек, ортиқча эътибор бермаймиз.

Аслида-чи?!

Аввало шуни айтиш жоизки, ҳар бир ташкилотда меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинмас экан, техника хавфсизлиги, саноат санитарияси ёки меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидалари талабларига эътибор берилмаса ҳаётимиз хавфсизлиги кафолатланмайди.

Ўрни келганда шундай савол туғилади: хўш, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик борми?

"Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодекснинг 49-моддасига кўра, мансабдор шахс томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонун ҳаракатлари талаблари бузилганда, жавобгар шахс энг кам иш ҳақининг икки бароборидан 5 баробари миқдоригача (жавобгарлик) жаримага тортилади.

Мазкур Кодексининг 257-моддасига кўра, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Жумладан, техника хавфсизлиги, саноат санитарияси ёки меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидаларини бевосита масъул бўлган шахс томонидан бузилиб, ўртача, оғир тан жароҳати етказилишига сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг 25 бараваридан 50 баравари миқдорда жарима ёки 5 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Агар бундай масъулиятсизлик: а) Одам ўлиши; б) Бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, 5 йилгача қамоқ жазоси белгиланади.

Демак, ҳар бир корхона, муассаса, ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилишлик ҳар бир фуқаронинг ҳаёти хавфсизлигини кафолатлашга замин яратади.

Hamdardlik

# ИНСОН ХОТИРАСИ



**Самимий инсон, истеъдодли ҳуқуқшунос Илҳом Қобиловни бешафқат ўлим орамиздан эрта олиб кетди.**

**Илҳом Қобилов 1956 йилда Самарқанд вилоятида туғилган эди. Мактабни тугатгандан сўнг у СамДУнинг ҳуқуқшунослик факультетида таҳсил олди. 1986 йилдан бошлаб эса суд тизими соҳасида фаолият олиб борди. Илҳом Қобилов узоқ йиллар Каттақўрғон шаҳар судининг раиси, Республика Олий суди суд амалиётини умумлаштириш бўлими бошлиғи ўринбосари ва бошқа бир қатор масъулиятли лавозимларда фаолият кўрсатиб келди.**

**У 2002 йилнинг март ойидан бошлаб Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш марказининг маркетинг ва маҳсулотларни сотиш бўлими бошлиғи лавозимида фаолият юритаётган эди. Илҳом Қобилов изланувчан, ўзига ишониб топширилган ҳар бир вазифага катта масъулият билан ёндошадиган инсон эди. Шу фазилатлари боис у қаерда, қандай лавозимда ишламасин, ҳамиша жамоаси орасида катта обрў-эътибор қозониб келди. У дўстларига садоқатли, оилада меҳрибон ота, уч нафар фарзанднинг суянчиғи эди.**

**Самимий инсон Илҳом Қобиловнинг хотираси дўстлари ва ҳамкасблари ёдида сақланиб қолади.**

**АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ЖАМОАСИ**



*Болалик завқи*

Jinoyatga jazo muqarrar

# МЎЛЖАЛГА ТЕГМАГАН ЎҚ

1998 йилнинг баҳор айни қулф урган палласи эди. Абдуғаффор негадир ўзидан бир неча ёш катта Ғанижоннинг уйига серқатнов бўлиб қолди. Албатта, бу — бежиз эмас, балки Ғанижоннинг уйида яширин равишда сақланаётган ов милтиғи унинг фикру хаёлини ўғирлаган эди.

— Ака, шу милтиғингизни сотмайсизми?— деди кунларнинг бирида Абдуғаффор.

— Сотишга сотаман, — деди Ғанижон иккиланган куйи. — Аммо унинг ҳужжатлари йўқолганда...

— Ака, қизиқ экансиз-ку, — деди Абдуғаффор билағонлик билан. — Милтиқ ўзи номи билан милтиқ, машина эмас. Ҳар қадамда унинг ҳужжатини ким сўраб-суриштириб ўтирибди, дейсиз?! Уни ҳеч кимга кўрсатмай яширинча фойдаланса бўлади.

— Тўғрику-я, — дея Ғанижон унинг фикрига қўшилди,— Милтиқ барибир совуқ қурол, эҳтиёт бўлиш керак.

— Бу ёғини менга қўйиб бераверинг. Кўнглингиз тўқ, хотирингиз жам бўлсин!

Хуллас, «ТОЗ-8» 12 калибирли ов милтиғи 10 минг сўмга баҳоланди. Ва у пинҳона тарзда бир хонадон эгасидан иккинчи бир хонадон соҳибининг қўлига ўтди.

— Ака агар машина юриб турмаса, унинг товуқ катакдан фарқи қолмайди, — деди Абдуғаффор. — Милтиққа ҳам ўқ-дори бўлмаса, қуруқ дахмаза экан.

— Гапинг рост, — дея Абдуғаффорнинг фикрига қўшилди Ғанижон. — Мен сенга ўқ-дори тайёрлашни ўргатаман. Кейин Наманганадаги овчилар дўконидан ўқ ҳам олиб бераман.

Икковлон аҳилликда савдолашди, шу аснода ораларидаги иноқлик янада қалин тус олди. Бунинг устига иш силлиққина битганидан иккиси ҳам мамнун эди. Лекин улар Жиноят Кодексининг 248-модда 3-қисмида қайд этилган жиноят содир этишаётганидан англаб етмаган эди.

Хуллас, шу тариқа милтиқ сотилди. Орадан уч йил ўтиб, яъни 2001 йилнинг 24 октябрида Ғанижон Маъмуров жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон суди томонидан судланди. Унга амалдаги Жиноят Кодексининг 277- моддаси 2-қисмида кўрсатилган айб қўйилди ва ахлоқ тузатиш иши жазосини ўтаётган эди. Аммо кутилмаганда Ғанижонни 2002 йилнинг 10 апрелида яна ҳибсга олишди. Бундан хиёл олдинроқ эса...

Ҳа, ҳа, хиёл илгари Тўрақўрғон туманининг Кужрон қишлоғида ҳеч кимнинг етти ухлаб тушига кирмаган воқеа рўй бериб ўтган эди. Шунда орадан роппа-роса тўрт йилча вақт ўтиб, хуфиёна сотиб олинган милтиқ "иш" берганди.

— Ҳали сенга кимлигимни кўрсатиб қўяман,— деди ғазабини ичига сиғдиролмаган Абдуғаффор милтиққа ўзи тайёрлаган "тўнғиз" ўқидан икки донасини жойлар экан, — тилинг бошингни ейди, мана кўрасан!...

Абдуғаффор тонг саҳар қиркма милтиқни қўйнига жойлаб, тўппа-тўғри Низомиддиннинг уйига йўл олди. Қишлоқ кўчалари тинч, осуда. Маҳалланинг гоҳ у хонадонидан, гоҳ бу хонадоннидан хўроз қичқириб қўяди. Абдуғаффор эса ўзини дарахтлар соясига олиб, режаси бўйича манзил томон юришда давом этди. Ана улар чиқишди. Аввал кўча дарвозасидан эркак, ортидан эса аёл киши кўринди. Эр-хотин ҳеч нарсадан бехабар Тўрақўрғон-Шаҳанд йўлидаги кўприкдан ўтаётган эди. Орқадан ўқ узилди. Отилган ўқ эркак кишини ўша ерга қулатди. Аёл овозининг борича қичқириб юборди. Унинг аламли қичқириғи қишлоқни тутиб кетди.

Хўш, милтиқ отган ким? Низомиддинга унинг қандай қасди бор эди?

Ўқнинг отилганига 8 кун бўлди. Бу орада гумонга олинган шахслар бирма-бир сўроқ бердилар.

— Афсуски, ўқ аниқ мўлжалга тегмади, —деди дастлабки сўроқ пайтидаёқ Абдуғаффор Акбаров, — менинг мақсадим Гуллолани отиб ташлаш эди.

— Нега?

— Чунки у менинг биринчи хотиним эди. Феъл-атворимиз бир-биримизга тўғри келмай ажрашиб кетган эдик. Бироқ Гуллола ажрашганимиздан кейин менинг эркаклик шаънимга, ғуруримга тегадиган гапларни кўпайтириб юборди. Унинг тили ўзининг эмас, бошқа бир гуноҳсиз кишининг бошига етганига ачинаман.

— Тўғри, Абдуғаффор Акбаров биринчи эрим,— деди Гуллола Жалилова. — Лекин унга ота-онамнинг қийин-қистови билан турмушга чиққанман. Кейинчалик шунинг учун ажрашиб кетдик. Бироқ у мени тинч қўймади. Бир неча марта уйимизга бостириб келди. "Ўлдираман", деб хат ёзиб ташлаб кетди. Ўша кун тонг палласида бекатда ўтирган киши узоқдан биринчи эримга ўхшаб кўринди.

— Ҳақиқатан ҳам, 1998 йилнинг баҳор ойларида ов милтиғимни Абдуғаффорга 10 минг сўмга сотган эдим, — деди судда Ғанижон Маъмуров, — унга Наманганадаги овчилар дўконидан ўқ ҳам олиб берганман. "Тўнғиз" ўқи тайёрлашни ҳам ўргатганман. 2002 йилнинг феврал ойида эса Абдуғаффор мендан милтиқни стволини кесиб беришимни илтимос қилди. Мен унинг бундай ёмон ниятда юрганини қаердан билай?!.

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди Ғанижон Маъмуровни Жиноят Кодексининг 248- моддаси 3-қисмида кўрсатилаган жиноятни содир этган деб топди. Шунингдек, Тўрақўрғон судининг 24 октябр 2001 йилдаги амалдаги Жиноят Кодексининг 277-модда 2-қисми "а,в,г" бандлари билан ўталмай қолган 2 йил 5 ой 16 кун аҳлоқ тузатиш жазосини Жиноят Кодексининг 61-моддасига асосан озодликдан маҳрум этиш жазосига алмаштириб қисман қўшиб, 59модда 4-қисмига асосан жазо тайинлади.

Абдуғаффор Акбаров Жиноят Кодексининг 97-моддасининг 2-қисми "а,д" банди, 248-моддасининг 1-қисми ва Жиноят Кодексининг 25-97-моддасининг 2-қисми "а,д" бандларида кўрсатилган жиноятларни содир этган деб топилди.

Суд ўз ҳукмини эълон қилди. Айбдорлар қилмишларига яраша жазо олди. Бироқ улар ортидан бир эмас, бир неча кишилар йиллар давомида азият чекиб қолишди.

Абдуғаффор Акбаровнинг бир нафар, Ғанижон Маъмуровнинг уч нафар вояга етмаган фарзанди узоқ вақт ота меҳридан мосуво ўсади? Хўш, бегуноҳ гўдакларнинг айби нима?

Битта ёмоннинг касри мингга уради, деб шунга айтишади.

Бу масаланинг бир томони, унинг иккинчи жиҳати бегуноҳ Низомиддиннинг ўлими узоқ вақт ҳамқишлоқлари ва қариндош-уруғларининг хотирасидан ўчмайди.

Бошга не бало тушса, суяксиз тилдан кўр, дейишади доноларимиз. Бу мудҳиш воқеага сабаб Гуллоланинг тилига эрк бериб юборганлиги ҳам сабаб бўлмадимикан?

Бу воқеа киши ёдига яна бир аччиқ ҳақиқатни солади. Бу дунёда ҳар биримизнинг ҳаётимиз бир-биримизга бевосита боғлиқ. Шунинг учун одам бир-бирига ёмонлик соғиниб эмас, балки эзгулик тилаб яшаши керак. Шунда ҳаёт янада мазмунли, бахтли кечади.

Ахир, яшашдан мурод ҳам шу эмасми?!

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Badnafslik

# КЎЗИНИ ОЧМАГАН АЁЛ

Одам боласи нафс тузоғига бир илинмасин экан. Оёғи тойиб, шундай йўлга кирдими, бас, сўнг ҳарчанд уринмасин ундан чиқиб олиши мушкул. Бунга ҳаётда мисоллар кўп учрайди. Гулнора эрининг «героин» савдоси билан шуғулланиб, ўн бир йилга қамалганини бошқаларга қараганда, яхшироқ биларди. Чунки эри уйга нимани олиб келаётгани, кимлар билан муомалада бўлишини у билмаса, ким билсин?! Лекин у бирон марта эрини бу нопок йўлдан қайтаришни ўйламади, балки белоғримас даромадни қай тарзда қўлга киритиш йўлларини зимдан кузатиб юрарди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай қинғирликнинг қийиғи чиқди — эри қилмишига яраша жазосини олди ва узоқ муддат панжара ортида ўтиришга мажбур бўлди. Гулнора бундан тўғри хулоса чиқаргандир, деб ўйларсиз?! Асло. Тўғри, аввалига у эрининг ишлари босилгунга қадар бироз ўзини тийиб турди. Лекин кечалари эри уйга олиб келган пулларнинг гаштини ўйлаб, бирдан уйқуси қочар ва алламаҳалгача ич-этини еб ётарди. Хуллас, мўмай даромад топиш «ҳунари» бир ёстиққа бош қўйган хотинига ҳам аллақачон ўтиб улгурган ва шайтон уни тобора эрнинг "ҳунар"ини давом эттиришга ундарди. Эри йўлга қўйиб, ўзи қамалиб кетган ишни юргизиб юбориш Гулнора учун хамирдан қил суғургандек жуда осон кечди. Илгари эри топиб келган даста-даста пулларни яшириб қўйишгагина яраган аёл энди ўзи "савдо"ни олдингидан ҳам қизитиб юборди. Албатта, бундай "савдо"нинг овозаси етти иқлимга бўлмаса ҳам, назорат ходимларининг қулоғига чалинмаслиги мумкин эмасди... Шундай кунларнинг бирида Гулнора бир ҳамқишлоғиникига борганда, Света деган нукуслик аёл билан танишиб қолди. Бу аёл ҳам шунчаки саёҳат қилишга келмаганини яшириб ўтирмади. Гулнора эса ўзининг мижози кўпайиб бораётганидан ич-ичдан қувонар ва иложи бўлса, уни қўлдан чиқармаслик пайида бўларди. Икки аёл ҳам бир-бирининг кўнглини топиб, ваъдани бир жойга қўйди. Ваъдага кўра, Света ҳам кўп ҳаяллаб қолмади. 2001 йилнинг 7 ноябрь куни нукуслик аёл ишонса бўладиган икки эркак билан Гулноранинг эшигини тақиллатди. Гулнора мижозларни ичкарига бошлаб, дастурхон ёйди. Меҳмонлар бироз ҳордиқ чиқаргандан сўнг муддаога кўчишди.

— Опажон, бизнинг ишимиз шошилинч, пули эса нақд, чунки Қозоғистонга бир "Камаз" картошка ортганман, — деди ўзини Амин деб таништирган йигит ва қўйнида турган пулни Гулнорага кўрсатди. Гулнора пулни кўриб, дарҳол ишга киришиш лозимлигини тушуниб:

— Эртага уйимга келинглар, "ҳалиги"ни олиб кетасизлар, — деди. Меҳмонлар эртаси "Москвич" машинасида етиб келишди. Гулнора "меҳмонлар"га ҳақиқатдан ҳам, "ҳалиги" нарса жуда зарурлигига бу гал ишонч ҳосил қилди ва бир йигитни таништириб деди:

— Сизларга "ҳалиги"ни чегарадан мана шу йигит келтириб беради. Чегара деган жуда хатарли. Буни ўзларинг ҳам жуда яхши биласизлар. Тағин бир кун кутишга тўғри келади.

— Начора,—деди улардан бири, — кутсак кутамиз. Фақат биз ҳам проба қилмасдан ололмаймиз.

Гулнора дарҳол Дониёр деб таништирган йигитга ишора қилди.

У аллақаёққа бориб, "проба" қилишга "ҳалиги"дан олиб келди. "Меҳмон"лар уни кўриб, савдо қилишди. Гулнора:

—"Мол"ни эртага тайёрлаб қўямиз, бизга ишонаверинг, — деб ваъда берди. "Меҳмонлар" қайтиб кетишди. Эрталаб барвақт уйғонган Гулноранинг кўнглига негадир ғашлик оралади ва ишқилиб, бирон ишкал чиқмасин-да, деган ўйда безовталанди. У ваъда қилинган вақтга қадар ўзини қўярга жой тополмай юрди. Бир тарафдан катта фойдани қўлга киритиш учун фурсат яқин қолгани бўлса, бошқа тарафдан кўнглига кирган ғашликдан тоқатсизланарди.

Хуллас, Гулнора кутган вақт ҳам поёнига етди. Бироқ у катта фойда кўриш ўрнига назорат ходимлари томонидан қўлга олинди. Гулнора билан шериклик қилган Дониёр ҳам узоққа бормади. Иккиси ҳам қилмишга яраша жазога мустаҳиқ бўлишди.

Халқимизда ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деган нақл бор. Гулнора ҳам аёл боши билан уч фарзандини бағрига босиб ҳалол савдо ёки бошқа тирикчилик билан машғул бўлганда, бу кўргиликларга дучор бўлмасмиди.

Янаям ким билади, дейсиз?

**Н. ТОШМУРАТОВ,**
**Пайариқ тумани**

Asr vabosi

# ЁНҒОҚ ИЧИДАГИ ОҒУ

Хоразмлик Қадамбой Матжонов бир-икки марта Денов деҳқон бозорига гуруч олиб келиб сотди. Яхшигина фойда ҳам кўрди, шу билан нафсини тийса бўларди. Аммо бир сафар келишида унинг хаёли бузилди. Чойхонада чой ичаётганида унинг ёнига ўрта яшар бир нотаниш киши келиб, "Ака меҳмонга ўхшайсиз. Асли қаердансиз?"- деб савол берди. Шу тариқа ҳол сўрашдан бошланган гурунг оғуфурушликка келиб тақалди. Иш шу билан тугадики, Қадамбой ҳалиги нотаниш кимсадан 47 минг сўмга 26 грамм "героин" харид қилганича "Денов-Урганч" йўналишидаги "Икарус" русумли автобусда Хоразмга йўл олди. Лекин у манзилига етолмади. «Дарбанд» божхона масканида йўловчилар назоратдан ўтказилди. Қадамбойнинг сумкасидаги ёнғоқларнинг уч донаси чақиб кўрилганда 26 грамм заҳри қотил усталик билан жойлаштирилгани маълум бўлди. "Героин"ли ёнғоқ дастурхонга эмас, далилий ашё сифатида керакли жойга топширилди. Ёнғоқ эгаси эса ўн икки йиллик умрни панжара ортида ўтказадиган бўлди...

Турсунбой Давлатов ҳам ўтган йили Денов бозорига Хоразмдан балиқ олиб келиб сотарди. Ўша пайтда балиқнинг бозори чаққон денг. Турсунбой чўнтагини қаппайтирганича бир "кайф" қилмоқчи бўлди. Бозор ичида ўзини Раҳмон деб таништирган бир йигитдан 6 килограмм балиқ эвазига бир чимдим "героин" олди. Шеригининг "Тико" русумли автомашинасида юртига елим халтага ўралган "героин"ни машина акумлиятори остига тиқиб қўйди. Ҳеч нарсадан бехабар йўлга тушган "Тико" машинаси «Дарбанд» божхона масканида назоратчилар томонидан кўздан кечирилганда акумлиятор тагидан чиққан заҳарли моддани кўрган ҳайдовчининг эс-ҳуши бошидан учиб кетди. Оғуфуруш Турсунбой Давлатовга суд тегишли жазо тайинлади.

Деновлик Комил Ҳайитов гиёҳвандликка муккасидан кетди. У топган-тутганини "героин"га сарфлай бошлади. Ўтган йилнинг баҳор ойларида Қашқадарё вилоятига йўл олди, йўлга чиқишдан олдин Денов бозори ёнида Жалол исмли ҳамтовоғидан гугурт қутисига жойланган гиёҳвандлик моддасини сотиб олди. Таксида Қашқадарёга кетаётган Комилжон «Дарбанд» божхона масканида ички ишлар ходимлари томонидан тинтиб кўрилди ва курткаси енгига яшириб қўйилган "героин" моддаси топиб олинди. Комилжон Ҳайитов ҳам ўз қилмишига яраша жазога тортилди.

**Баҳодир ХОЛЛИЕВ,**
**Собир ЁДИКОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

1996 йилнинг январидан нашр этилади
**ИНСОН ва ҚОНУН**
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

**Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ**

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:**
Бўритош МУСТАФОЕВ
Пўлат САМАТОВ
Хуршид СОДИҚОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
Шухрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Холли НОРБОЙ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

**Индекс: 646882**

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-3143. Тиражи — 10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.30

Навбатчи: **Бобомурод РАЙИМОВ**
Саҳифаловчи: **Жаъфар ЖАББОРОВ**
Компьютер операторлари: **Мадина АБДУЛЛАЕВА, Дилноза ШОКИРОВА**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.**
**Тел: 132-14-18 (умумий бўлим), 133-70-65, 133-84-50**

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.